

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 871-ҳадис

871 - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ صُدِّيِّ بْنِ عَجْلَانَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِاللَّهِ مَنْ بَدَأَهُمْ بِالسَّلَامِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ.

وَرَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ الرَّجُلَانِ يَلْتَقِيَانِ، أَيُّهُمَا يَبْدَأُ بِالسَّلَامِ؟ قَالَ: «أَوْلَاهُمَا بِاللَّهِ تَعَالَى». قَالَ التِّرْمِذِيُّ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2694].

871. Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ(нинг раҳмати)га ҳақлироқ одам - биринчи бўлиб салом берган кишидир»**, дедилар».

Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилдилар.

Имом Термизий Абу Умома розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида:

«Эй Расулуллоҳ, икки киши йўлиқиб қолса, қайси бири саломни бошлайди?» дейилганида, у зот: «Аллоҳ таолога яқинроғи (яъни, Аллоҳга тоат билан яқин бўлгани)», деб айтдилар.

Шарҳ: Исломда биринчи бўлиб салом бериш суннат унга алик олиш эса фарз. Имом Абдулбар раҳимаҳуллоҳ ва бошқа уламолар “Биринчи бўлиб салом бериш суннат, унга алик олиб жавоб қайтариш эса фарздир”, деб Ислом уммати ижмоя қилганини нақл қилганлар.

Аммо кўпчиликка салом берилганда ҳаммаси бирдек алик олиши шарт эмас, балки, жамоадан бир киши алик олса қолганлардан алик фарзияти соқит бўлади. Саломга алик олиш салом беришдан кўра муҳимроқ эканининг сабаби шуки, салом берган мусулмонга жавоб қайтармаслик бир мусулмонни менсимаслик, кўзга илмаслик деб баҳоланади. Бу эса шаръан

ҳаромдир. Шу нуқтаи назардан салом берган мусулмонга алик олиб жавоб қайтаришнинг даражаси юқори туради.

Лекин шундай бўлсада, биринчи бўлиб салом берганнинг савоби кўпроқ бўлади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмон ўз биродарига йўлиққанда униси ҳам буниси ҳам бир-биридан юз ўгириб, уч кундан ортиқ ташлаб қўйиши ҳалол эмас. Шу ҳолатда қайси бири дастлаб салом берса ўшаниси яхшироқдир.” – деганлар. (Имом Бухорий ривояти).

Саломга алик олишда салом берувчи эшитадиган даражада жавоб қайтармаса, алик олиши ҳисобга ўтмайди. Аммо салом берган киши кар бўлса унга шунчаки лабларни қимирлатиб алик олса жоиз.

Алик олишда “Ва алайкум ассалом” демасдан қўл билан ишора қилиб жавоб қайтариш макруҳ бўлиб, бу Исломиё алик олиш эмас. Балки бу насоро ва яҳудларнинг алик олиш услубларидандир.

Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилиб айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Биздан бошқаларга (ҳавас қилиб) ўзини ўхшатганлар биздан эмас. Яҳуд ва насороларга ўзларингизни ўхшатманглар! Зотан, яҳудларнинг саломлашиши бармоқлар ишораси билан, насороларники эса кафтлар ишораси биландир.” (Сунани Термизий).

Ёш болаларга салом бериш ҳукми:

Ёш болага катталарнинг салом бериши Иломда меҳрибончилик деб баҳоланади. Ёш болага салом берган катта одам ҳам бир суннатни қоим қилгани учун ва ҳам ёшларга меҳр кўрсатгани учун икки ҳисса ажр олади. Бундан ташқари яна ёшларга салом бериш уларга одобдан таълим беришнинг ўзига хос услубидир. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан бу мавзуда қуйидагича ривоят қилинди: “Бир куни бизнинг олдимизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Ўшандан мен ёш бола эдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб бизга салом бердилар ва менинг қўлимдан ушлаб бир жойга бир жойга бир юмуш билан бориб келишимни буюрдилар ва ўзлари бир девор соясига ўтирдилар. Мен буюрилган ишни тугатиб ул зотнинг олдига қатиб келдим”. (Сунани Абу Довуд).

Аёллар билан саломлашиш ҳукми:

Бегона аёлларга эркакларнинг салом бериши макруҳ. Шунингдек, ёш қиз-жувонлар овозларини эшитилар даражада кўтариб саломга алик олишлари ҳам макруҳ. Бу ишлар фитнага боис бўлгани учун шариатда ундан қайтарилган. Аммо фитна хавфи йўқ бўлса, масалан аёл ёши ўтган кампир бўлса унга салом беришнинг ҳам, унинг алик олишининг ҳам кароҳияти йўқ. Зотан бу каби ҳолатлар саҳобалар даврида ҳам бўлган. Саҳл розияллоҳу

анхудан ривоят қилинади, у айтди: “Жума кун келса хурсанд бўлиб кетар эдик. Нимага? Чунки бизда бир кампир бор эди, Бузоъага у-бу нарса жўнатиб турарди. Ибн Салама айтади, Мадинада Хурмо кўп эди. У аёл қандлавланинг илдизини қозонга солиб, унга арпа аралаштириб пиширарди. Биз жумани ўқиб бўлгач унинг олдига келиб салом берардик. У кампир эса ўзи тайёрлаган ўша таомдан бизга берарди. Шу учун хурсанд бўлардик. Биз Жума кун дам ҳам олмасдик, нонушта ҳам қилмасдик, илло жумадан кейин ўша ширин таомдан ердик”. (Имом Бухорий ривояти).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI